

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 42 (10.599)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ
бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Каска
сатрларда

- **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 5-кутубхонасида «Ўз уйининг ўзинг асра» мавзuida уюштирилган тадбирда «Бинокор» маҳалласи фаоллари, посбонлар, китобхонлар иштирок этишди.
- **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар «Оила» марказида таҳсил олган туман ёшлариға гувоҳнома топшириш маросими ўтказилди.
- **БУГУН** Тошкент вилояти «Ўлғуржи савдо» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган «Хайр-саховат—олий фазилат» мавзuida-ги давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилди.
- **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир аҳоли ўртасида маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш масаласига бағишланди.
- **КЕЧА** Миробод туманидаги «Олтинкул» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида фаол аёллар иштирок этишди.
- **БУГУН** «Ал-авлод» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида шаҳаримизнинг фаол аёллари иштирокида ўтказилган тадбир «Аёлга эҳтиром» деб номланди.
- **БУГУН** яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамиға бағишлаб Мирзо Улуғбек туман ўқувчилар ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида туман ёшлари ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов «Қизлар газал айтганда — ийгитлар жўр бўлганда» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун Бектемир тумани марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида бўлиб ўтган «Терроризмнинг жамият таракқийига салбий таъсири» мавзuidaги давра суҳбати «Камолот» ЁИХ, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

БУНДАН 14 ЙИЛ БУРУН БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИНИНГ НЬЮ-ЙОРКДАГИ БОШ ҚАРОРГОҲИ
ОЛДИДА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ ХИЛПИРАЙ
БОШЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ 1992 ЙИЛ 2 МАРТДА УШБУ
НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ
АЪЗОСИ БЎЛДИ.

1993 йил 24 август кун Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Гийёҳвандликка қарши кураш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот (ЮНЕСКО) ваколатхонаси фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослашган идоралари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг халқаро интеграциялашувни қўлайитириш ва барқарорликни мустаҳкамлашга, давлатларaro ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда тинчликпарварликка асосланган изчил сиёсати муҳим ўрин тутмоқда.

Юртбошимиз БМТ минбаридан туриб дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббусларни илгари сурган. Президент Ислам Каримов ташкилот анжуманларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонга, Орол муаммо-

сига қаратди. Бугун бу масалаларда Ўзбекистон давлатларининг нечоғли тўғри, нуктаи назарининг нечоғли асосли эканлиги эътироф этилаётди.

БМТ Бош ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган «Мингйиллик саммити»да давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва гийёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликини мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб муҳим тақлифлари билдирди. Саммитда Президент Ислам Каримов халқаро жамоатчилик эътиборини яна бир бор Орол инқузроига қаратди. Таъкидламоқ жоизки, Оролдаги вазият нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё мамлакатларининг экологик муаммосидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари «Мингйиллик саммити»да экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ишларга халқаро ташкилот ва донор мамлакатлардан молиявий воситалар жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури хузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни тақлиф этди.

Европада хавфсизлик ва ҳам-

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР
БИЛАН ҲАМКОРЛИК АСОСИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН ҚЎШМА
КОРХОНАЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКАМИЗ
ИҚТИСОДИЁТИГА ҚўШАЁТГАН
ҲИССАСИ АЛБАТТА ЎЗИГА ХОС.
УЛАРДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛАЁТГАН
«ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ,
СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАР ИЧКИ
БОЗОРДА ЧЕТДАН
КЕЛТИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАР
ЎРНИНИ БОСИШИ
БАРОБАРИДА ЖАҲОН
БОЗОРИДА ҲАМ ХАРИДОРНИН
ТОПАЁТГАНИ, ДУНЁ
ДАВЛАТЛАРИГА ЭКСПОРТ
ҚИЛИНАЁТГАНИ НИХОЯТДА
ҚУВОНАРЛИДР.

Қўшма корхоналарда



ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда 10 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Билдинг-технологиз» қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасига кириб, улар ҳам жаҳон андозалари даражасидаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқариб, ҳам бунёдкорлик ишларида фаоллик кўрсатиб ривожланмоқда.

Бугунги кунда мустаҳкам ва сифатли, кўриниши жаҳон андозаларига мос, шунинг баробарида миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашган иншоотлар қуриш учун ўз-ўзидан аёнки, фақат изланиш билангина чегараланиб бўлмайди. Бунинг учун сифатли хом ашё ҳамда замонавий техника ва технологиялар қувватидан унумли фойдаланмоқ даркор.

Шу боис корхона цехларини ҳам хорижий линиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда кўчма корхонанинг 5 та ишлаб чиқариш цехига Германия, Италия ва бошқа давлатлардан келтирилган ускуна ва дастгоҳларда рақобатбардор қурилиш ашёлари тайёрлаш имконияти мавжуд.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш ашёлари учун 90 фоз маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди директор ўринбосари Аҳмаджон Орипов.

— Фақатгина кимёвий қўшимчалар четдан келтирилади. Махсулотларимиз ўтган давр мобайнида 20 хилдан ортиб кетди. Бу, албатта бозорни ўрганиш, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари кўлами ва сифатига катта эътибор қаратишнинг самарасидир. Қурилиш ашёларимиз орасида гипсдан ишланган осма шиплар, рас-трлик ёриткичлар, қуруқ пардоз аралашмалари, ПВХ профилдан ишланган эшик ва ромлар, шунингдек янги махсулот — сополдан тайёрланаётган манзарали безак гиштчалари харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхона махсулотларининг ўз буюртмачилари, доимий харидорлари борлиги тадбиркорларнинг ички бозордаги макъеидан далолатдир. Жамоанинг ўтган йили муваффақиятли яқунлагани, жорий —2006 йил учун ҳам буюртмалар портфели тўлалиги изланишидан, тадбиркорлик билан иш юритишдан бозор талабига кўра махсулот тайёрлаётганини яққол исботлайди. Шунингдек, бу ерда тайёрланган қурилиш материалларига Ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар бор. Шу боис ҳам тайёрланаётган махсулотнинг 15 фоизидан зиёди Қозғоғистон,

Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада махсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда бунёдкорлик ишларида ҳам фаоллик кўрсатиш, пойтахтимиздаги қуриш, яратиш, яшнатиш кўламига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 3 та қурилиш бригадаси ташкил этилган. Ушбу бригадаларга жамланган, бунёдкорликнинг сир-асрорларини мукамал эгалаган тажрибали қурувчилар ўтган йилда пойтахтимиздаги 110-мактаб, «Ўзстан-дарт» агентлиги, Тошкент Педиатрия институт ва бошқа кўплаб объектларни бунёд этиш ва реконструкция қилишда куч-ғайрат сарфлашди, маҳоратларини намойён этишди.

Харидорларга қўлайлиқни кўзда тутган жамоа мутасаддилари ишлаб чиқарилган махсулотларни сотиш учун фирма дўкони фаолиятини ҳам йўлга қўйган. Тадбиркорликка очилган кенг йўл, тадбиркорларга берилган имтиёз ва кафолатлар уларни иқтисодиёт ривожига, қурилишлар кўламини ортишига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда. Хозирда эса буюртмалар ортиб бораётганини ҳисобга олиб қўшимча ишлаб чиқаришни ташкил этиш, махсулотнинг бугунги давр талабига мос турларини яратишга эътибор қаратилган. Бу, шубҳасиз, корхона нуфузини ошириб, истиқболини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона фаолиятининг
лавлари ва тайёрланаётган махсулот-
лар.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

корлик ташкилотининг 1999 йили Истанбул саммитида Президент Ислам Каримов БМТ хузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш гоясини илгари сурган эди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши бунинг амалий натижаси бўлди.

Ўзбекистон айни вақтда БМТнинг мавжуд 12 антитеррор конвенциясига ҳамда наркотик моддалар савдосига қарши курашга оид конвенцияларига қўшилган. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида 2000 йил 19-20 октябрь кунлари Тошкентда БМТ ва ЕХТТ билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гийёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда умумий ёндашув» мавзuida халқаро конференция ўтказилди.

Оммавий қирғин қуроллари тарқатилишининг олдини олиш — Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликдаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Марказий Осиёни ядро қурулидан холи ҳудудга айлантириш тақлифи биринчи бор мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ташкил Бош ассамблеясининг 1993 йилда ўтган 48-сессиясида илгари сурилган эди. 1997 йил 15-17 сентябрь кунлари Тошкентда ўтган «Марказий Осиё — ядро қурулидан холи ҳудуд» халқаро анжумани бу борада тегишли ҳужжат ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга йўл очди.

2005 йил февралда пойтахтимизда Марказий Осиёни ядро қурулидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шартнома лойиҳасининг матни тасдиқланди. Иштирокчи томонлар Марказий Осиёни ядро қурулидан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент баёнотини қабул қилди.

Маъжур ҳужжатда Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), БМТнинг Ҳуқуқий масалалар бўйича бошқармаси тавсияси ҳамда ядро қурулига эга мамлакатлар билдирган тақлифлар ўз-иқодасини топти. Учрашувда қатнашган БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида тинчлик ва қурулсизлаштириш масалалари бўйича минтақавий маркази директо-

ри Цутому Ишигури маъжур шартнома нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун жаҳонда ядровий хавфсизлиқни таъминлашга муҳим ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлади.

Марказий Осиёни ядро қурулидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов гоясининг амалий натижасидир. У минтақавий тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатилишининг олдини олишдаги, пировардида, дунёда ялпи ядровий хавфсизлиқни таъминлаш йўлидаги гоят муҳим қадамдир.

Ўзбекистон БМТнинг фаол аъзоларидан. Зеро, мамлакатимиз бутун дунёда тинчликни қарор топтириш юзасидан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг ташаббускоридир. Ташкилот Бош қотиби Кофи Аннан 2002 йил октябрда юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ўсиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Надирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида «Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild — 2006» Ўзбекистон халқаро кўргазмаси иш бошлади. 4 мартга қадар давом этадиган ушбу тадбир ITE Uzbekistan ва ITE Group Plc (Буюк Британия) кўргазма компаниялари томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, унда жаҳоннинг саксондан зиёд етакчи қурилиш компаниялари иштирок этмоқда.

- Тошкент Давлат аграр университетида академик Яхё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий-семинарининг 37-йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган бу галги анжуман мамлакатимиз ҳудудда деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнларга бағишланди.

- Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказмоқда. М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган «Болаларнинг бегонаси бўлмади» деб номланган навбатдаги тадбирда Қарши шаҳар, Қитоб, Қамаш, Яқкабўғ туманларидаги Мурувват уйлари, Чирокчи, Шахрисабз туманларидаги махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари иштирок этди.

- Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Соғлиқни сақлаш вазирликлари ЮНИСЕФ Халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақасида Болалар саломатлиги ҳафталигини ўтказишмоқда. Йилига икки марта ўтказиладиган ушбу тадбир давомида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли хил касалликларнинг олдини олишга бағишланган ҳар хил чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу гал урғу болаларда А витамини етишмовчилигининг олдини олишга берилди.

- Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими ва Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали маҳаллий ҳамда республика ОАВ ҳодимлари билан матбуот анжумани ўтказди. Тадбир иштирокчилари Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

- Жиззахда фольклор жамоаларининг вилоят бўйича кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳар галгидан фарқли ўларок, бу йил танловнинг туманлардаги босқичи ҳар бир иштирокчининг мухлислар даврасида уюштирилди. Бир ҳафта давом этган тадбир Жиззах туманининг «Зебомахон» жамоаси ғалабаси билан якунланди.

- Риштон туманидаги «Asia Paints Keramik» Ўзбекистон-БАА қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ва экологик тоза махсулотларга талаб ортиб бормоқда. 40 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 120 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Замонавий дастгоҳларни ўрнатиш ишлари яқунлаштирилиш билан жамоада яна 40 та янги иш ўрни очилади.

ЖАҲОНДА

- Ироқда рўй бераётган зиддиятларга қарамай, Ироқнинг Бош вазири Иброҳим Жаъфари янги ҳукумат таркибини тузиш давом эттирилишини билдирди. Жаъфари Туркияга қилган расмий ташрифи давомида зўравонликлар ҳукуматни шакллантириш ва сиёсий жараён муваффақиятига ҳалақит бера олмағлигини таъкидлади.

- Парижда Кипр Президенти Тассос Пападополус ва БМТ Бош қотиби Кофи Аннан учрашдилар, деяр хабар беради «Франс-Пресс» ахборот агентлиги. Улар айни пайтда Ўрта Ер денгизидagi «нозик нукта» ҳисобланмиш Кипр муаммосини муҳокама қилдилар.

- Осиё тараққиёт банки ягона пул бирлигини муомалага киритиш ҳақида қарор қабул қилди. АСУ номли ушбу валюта қитъадаги 13 мамлакат ўртасида ҳаракатда бўлади. Япон матбуотида ёзилишича, у жорий йилда расман алоқага киритилиб, Осиё давлатлари валюталарининг доллар, евро ва эркин муомаладаги бошқа валюталарга нисбатан курсини белгилловчи восита сифатида хизмат қилади. Бунда Хитой, Жанубий Корея, Япония ҳамда Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) таркибидagi 10 мамлакат пул бирликлрининг ўртача қиймати ҳисобга олинади.

- Россиянинг ҳалокатга учраган «АС-28» батискафини қутқаришда иштирок этган икки нафар америкалик денгизчи офицер Россиянинг «Дружба» ордени билан тақдирланди.

- Удмуртияда Германия технологияси асосида кимёвий қуролларни йўқ қилувчи эс-вод ўз фаолиятини бошлади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ
Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 3 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариш туради, ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

БИЗ ЎЗИМИЗ ТУГИЛИБ ЎСГАН МУҚАДДАС ЗАМИННИ ЭЪЗОЗЛАБ ОНА ВАТАН ДЕЙМИЗ. ЧУНКИ, БИРГИНА ШУ МУБОРАК ЎЗДА ИФОДА ЭТИШГА ОЖИЗ БЎЛГАН БУЮК ТУЙҒУ БОР. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БАРПО ЭТИЛГАН БАХТИЁР ОНА ҲАЙКАЛИ БИЗНИНГ МАНА ШУ ТУЙҒУЛАРИМИЗНИ АКС ЭТТИРАДИ.



МАЪНАВИЯТ МАЙДОНИ



Илк давлатлар пайдо бўлгандан буён, ҳар бир мамлакатда бош майдонлар барпо этилган. Улар халқнинг тарихи, дунёқараши, салохияти, меъморчилик маданияти, маънавияти, орзу ва умидларини ифода этади. Улкан тарихий воқеалар рўй берадиган бош майдонлар давлатчиликнинг ўзига хос рамзи ва кўрki ҳисобланади.

Инсоният тамаддунининг қадимий ўчоқларидан бири бўлган юртимизда тарихий майдонлар кўп. Самарқанд ва Бухородаги Регистон, Тошкентдаги Чорсу майдонлари шулар жумласидан. Улар савдо-сотик, маданият ва маънавият маскани вазифини ўтаган.

Биздаги майдонлар бошқа юртлардагидан фарқли ўлароқ яёдоқ бўлмаган, тева-рағида улкан иншоотлар барпо этилган. Хозир ҳам Самарқанд ва Бухоро Регистони атрофида барпо этилган мухташам бинолар улугворлиги билан кишини лол қолдиради, аждодларимиз нақадар буюк салохиятга эга бўлгандан далолат беради.

Афсуски, тоталитар тузум даврида собиқ иттифок таркибидagi бошқа республикалардаги каби, Ўзбекистон майдонларидан ҳам фойз кетди, мазмун ва мохияти ўзгаририлди. Улар бизга етти ёт бегона бўлган коммунистик ақидапарастликни тарғиб қилиш воситасига айлантирилди. Жумладан, хозир биз фахр билан тилга оладиган Мустақиллик майдони ҳам шулардан бири. Тамомила бошқача бўлиб, "қизил майдон" деб аталарди.

"Қизил майдон"нинг асосий вазифини одамлар онгига дахрийлик, миллий заминдан бегоналашув, манкуртликни сингдириш, уларни улкан машинанинг онгсиз "мурвачка"ларига айлантириш эди. Одам бу майдонда ўзини эркин ва қудратли шахс сифатида эмас, балки ожиз ва ҳимояга муҳтож кимса сифатида ҳам қиларди. Шунинг учун ҳам унинг сатҳи кенг ва яёдоқ бўлиб, қалинлиги бир метрдан ошадиган темир-бетон қоримчалари билан қопланган эди. Бу ерда одамларни кўрқувга соладиган, еру кўкни титратадиган харбий парадлар ўтказиларди. Шаҳарларни вайрон қилишга қодир оғир танклар, вазни бир неча тонна келадиган ракеталар бутун оламга кўз-кўзи қилинарди.

Майдоннинг улкан йўлакни эслатадиган асосий қисми ёзда хаддан ташқари қизиб кетар, қишда муз билан қопларди. На бир патча ерда майса, на бир туп дархат бор эди. Шунинг учун ҳам ҳувиллаб ётарди. Фақат, тепадан уюштирилаётган "қизил" байрамлар пайтида турли ташкилотлар ва муассасалардан олиб келинган одамлар саф-саф бўлиб минбарда турган таъбирати пойидан ўтарди. Шоша-шиша майдон марказига келиб қолган одамлар КПССни шарафловчи шiorларга жўр бўлиб "ура", "ура" деб бақирарди. Намойиш тугаши биланок, қизил байроқлар, қардондан ясалган ер шар, космик кема, ракеталар машиналарга ортилиб, ҳамма уй-йўига тарқалар эди.

Майдоннинг кунботар томонида халқимиз бошига мислсиз қулфатлар келтирган, минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаёти-

га зомин бўлган, миллий ва диний қадриятларимизни оёқости қилган тоталитар тузумнинг асосчиси В. Лениннинг дунёдаги энг баланд ҳайкалларида бири қакқайиб турарди. У шу қадар баҳайбат эдики, пастдан қарасангиз, гўёки устингизга қулаб кетадигандек ваҳимали туюларди.

Майдоннинг елкасидан босиб турган ҳайкалнинг икки томонида эса дунёга маърифат улашган, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган бобоқалонларимизнинг расмлари эмас, балки бизга бегона бўлган КПСС политбюро аъзоларининг одам бўйи портретлари осиб қўйиларди. Улар майдонга келганларга коммунистик мафкура ҳукмрон эканлигини, бундан қочиб қутула олмасликларини эслатиб турарди. Атрофдаги биноларда миллийликдан асар ҳам йўқ эди.

Майдоннинг шимолӣ қисмида тепасига солдат каскаси ва автомат дубулгаси ўрнатилган ясама қабр бор эди. Ваҳоланки, у ерга ҳеч ким дафи қилинмаган. Қолаверса, қабр сохталаштириладиган нарсас эмас.

Хуллас майдоннинг аввалги қиёфаси оккунгил, меҳнатсевар, тинчликпарвар, эътиқодли халқимизга тамомила бегона эди.

Ўзбекистон Мустақиллика эришиши биланок, мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг илк Фармони билан бош майдонимиз Мустақиллик майдони деб эълон қилинди ва у тоталитар тузум асоратларидан тозаланди. Аввало, бошимизга қора булутдай соя ташлаб турган В. Лениннинг ҳайкали олиб ташланди. Елкамиздан гўёки тоғ ағдарилгандек бўлди. Унинг ўрнига ер шар ва унинг қўисида пароблар турган Ўзбекистон акс этган Мустақиллик монументи ўрнатилди. Биз бу билан она-сайёрамиз ва юртимизни бошимиз узра кўтардик. Дунё мамлакатларининг биронтасида Мустақиллик монументига ўхшаш ёдгорлик учрамайди.

Мазкур монумент яратилишининг биз билган ва билмаган тарихи бор. Унинг муаллифи Президент Ислам Каримовдир. Мамлакатимиз раҳбари ўша ғала-говур, жамият кескин муаммолар зарбидан издан чиқай деб турган бир паллада, кеча-ю кундуз янги монумент лойиҳаси устида ишлаб, унинг мукамал бўлишига эришган. Ҳаттоки, унинг оғирлиги қанча бўлади ва уни қайси техник воситалар ёрдамида ўрнатилишини ҳам мутахассислар билан муҳокама қилган. Бугун бу улугвор монументсиз Мустақиллик майдонини тасаввур қила олмаймиз.

Ута қисқа муддатда барпо этилган Сенатнинг улугвор биноси майдоннинг кўркига кўрк, салобатига салобат қўйди, миллий меъморчилигимизнинг фахру ифтихорига айланди. Кечалари атрофни ёритиб турадиган қордек оппоқ бу бинодан халқимизнинг эзгу мақсадлари, ҳолис ниятлари уфуриб туради.

Республикамиз бош архитектори А. Тўхтаевнинг гувоҳлик беришича, Президент Ислам Каримов мазкур бино лойиҳасини қаида 15-20 марта қайта-қайта кўриб чиқиб, ҳар гал муҳим ўзгаришлар киритган. Бинони биринчи йишти қўйилишидан бошлаб, то биттунига қадар

қурилиш жараёнини шахсан назорат қилиб турган.

Майдон сатҳини зилдек босиб турган бир метр қалинликдаги темир-бетон, асфальтдан иборат бўлган қатлам олиб ташланди. У шу қадар қаттиқ ва санча бўлиб кетгандики уни кўпориб олиш учун қудратли, замонавий техникалар ҳам ожизлик қилиб қолган вақтлар бўлди. Сўнгра майдонга унумдор тупроқ ётқизилди, қишининг ям-яшил бўлиб турадиган арчалар, майсалар, анвойи гуллар экилди, бир қанча гўзал фавворалар барпо этилди, ва у тамомила бошқача қиёфа касб этди. Асрлар мобайнида Мустақилликни орзу қилган халқимизнинг том маънодаги Мустақиллик майдони, маънавий мулкига айланди.

Майдоннинг ҳар бир биносига, ҳар унсурига қатта ҳаётий фалсафа жо қилинган. Ям-яшил майса ва дарактларга бурканган бу жой биз учун Мустақиллик, эзгулик ва абадий раиизга айланди.

Мустақиллик майдонидаги эски, одамларни урушга даъват қиладиган, кўрқувга соладиган "автомат", "танк", "ракета" каби тоталитар тушунчалар ўрнига тинчликпарвар халқимизнинг "турна", "лайлак" каби эзгулик рамзлари ўрнатилди. Зеро, инсон дунёга қон тўкиш, бировларни кўрқитиш учун эмас, балки яхшилик қилиш, бахтли ҳаёт кечирish учун келади.

Кўйишнинг заррин нурларига қумушдек товланиб турган Эзгулик аркасига мана шундай қўшларнинг қўниб туришида жуда қатта фалсафий маъно бор. Бу қўшлар бахт ва фаровонлик элчиси бўлиб, элга қут-баракат келтиради. Болалгимизда булутлар остида қатор тизилиб учаётган турналарнинг "қур-қур" деган овозларини эшитиб қалбимиз таърифлаб бўлмайдиган ҳаяжонга тўларди. Чунки улар бизларга она заминни яннатладиган, оламни яшилликка буркайдиган баҳор келатганлигидан дарак беради. Ўшанда олис осмонда эркин парвоз қиляётган бу қўшлар бизга фаришталардек сирли туюларди. Биз доимо турналар келишини кутиб яшардик.

Лайлак халқимиз учун бахт ва тинчлик тисмоли ҳисобланади. Баланд дарактлар ва симёғочлардаги лайлак инлари юртимизга алоҳида фойз бахшида этади. Лайлакни кўриб қувонмаган, унинг улугворлигидан ҳайратланмаган одам бўлмаса керак!

Бугун қатта-ю кичик, ёшу қарини Эзгулик аркасидаги бири тинчгина ором олаётган, яна бири кўкка парвоз қиляётган поэтика ниятларимиз рамзлари ўзига ром қиладди.

Мухтарам Президентимизнинг ташаббуси ва лойиҳасига асосан Мустақиллик майдонида яна бир обида — Бахтиёр Она ёдгорлиги барпо этилди ва Мустақиллик майдони фалсафаси ўз қиёмига етди. Биз илгарилари Мустақиллик монументи ёнида ёки пойида яна нимадир бўлиши кераклигини ҳис қилардик, аммо нима бўлишини аниқ тасаввур қила олмасдик. Бахтиёр Она ёдгорлиги биз фарз қилган қадриятни топиб берди ва майдоннинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Дунёда одамлар учун азиз бўлган қад-

риятлар кўп. Вақт ўтиши билан уларнинг баъзилари ўзгаради ҳам. Аммо, дунёда барча халқлар учун барча замонларда ўзгармайдиган бир муқаддас зот бор! Бу Онадир. Онани таърифлашга тил ожизлик қиладди. Қандай қилиб бизга оқ сут берган, умрини, бахтини, соғлигини, орзу умидларини бахшида қилган, кеча-ю кундуз бағрига босиб вояга етказган ва умрининг охиригача бизни дуо қиладиган БУЮК ЗОТни сўз билан таърифлаш мумкин! Бизга бу ёруғ оламда ҳеч ким ОНАмиздек меҳр бермаган, биз учун қайғурмаган бўлса керак.

Биз ўзимиз туғилиб ўсган муқаддас заминни эъзозлаб ОНА Ватан деймиз. Чунки биргина шу муборақ сўзда ифода этишга ожиз бўлган буюк туйғу бор. Мустақиллик майдонида барпо этилган Бахтиёр Она ҳайкали бизнинг мана шу туйғуларимизни акс эттиради.

Бахтиёр онанинг юзларидан нур ёғилиб турибди. Чунки унинг фарзанди мана шу овоз ва обод юртининг, жаннатмонанд ўлканинг, олтин водийларнинг эгаси бўлади, ота-боболарининг орзусини рўёбга чиқаради. Чунки у ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

ОНА нигоҳидан мамлакатимиз раҳбарининг 1991 йил 1 сентябрь, яъни Мустақилликка эришган кунимизда тугилган болаларга йўллаган қуйидаги тилакларини ўқиш мумкин:

"Ота-онанг, халқинг, Ватанинг ҳамиша бахт-саодатинг учун, ёмон кунлар сенга соя ташламаслиги, қуёш беланчагиди ўсиб-ўлғайиб янги асрни кутиб олишинг, юртининг асл фарзанди бўлиб етилишинг учун ғамхўрлик қиладди.

Теварақда неки бор — бепоеи она замин, унинг дарё ва водийлари, бог ва далалари, қадим ва навқирон шаҳарлар, библилар хазинаси, маънавиятимиз сарчашмалари, адабиёт ва санъат асарлари, оталар ва боболарнинг доно ўғитлари — бари сеники! Ватан бойликларини кўз қорачиқдек сақла, камол топтир, Ўзбекистон шухратини жаҳон узра тарат!

Соғлом, гўзал, олижаноб бўлиб камолга ет. Ҳамиша ҳалол ва дилдор бўл, қийинчиликлардан қўчима, хайрли ишларни амалга ошир, дўстлиқнинг қудратини қадрла! Ўзбекистон — ўз уйингиз дил-дилигидан сев, қўшларингизни эъзозла, ҳар қандай кунда, ҳар қандай синовда халқинг билан бирга бўл!

Ҳаёт йўллариди сенга қувонч, омад, бахт тилаймиз!"

Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи барчамизни яхшиликка, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган муқаддас заминни янада чуқурроқ севишга, Мустақиллик деган буюк ва илоҳий неъматнинг қадрини янада чуқурроқ англашга, келажак авлодларга ибрат бўладиган ишлар қилишга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга даъват қиладди.

Қуддус АЪЗАМОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари

Иқтисодиёт

КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

МИРЗО УЛУЎБЕК ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОРАСИДА РАЙҲОН ҚҮРИМБАЕВАНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. ЧУНКИ МАЗКУР ТАДБИРКОР ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАГАН ҲОЛДА ДОИМО ИЗЛАНАДИ, ЯНГИЛИККА ЎЧ, ТАШАББУСКОР.

«Райхон-Дона» хусусий фирмасига бош бўлган тадбиркор аёл ишни аниқ режалар асосида юритиши боис ҳам йилдан-йилга буюртмачилари сафи кенгаймоқда. Эътиборли томони, у юртимиз вилоятларида уй бекалари, ёшлар учун бепул ўқув курсларини ташкил этган. Ушбу ўқув жараёнида ёшлар замонавий пардалар — элита усулида парда текиш, ёстиқ жилд, ўрин-кўрпаларга мўлжалланган эсклизив гилофлар текишга ўргатилади. Шунингдек, қиз-жувонларимизга урф бўлган бисер текилган кийим-кечаклар, келинлар либослари, уй-рўзгор жиҳозларига безаклар шулар жумласидандир.

Жамоа ахли мижозларнинг истаклари ҳамда Европа давлатларининг каталоглари асосида замонавий моделлари яратмоқдалар. Буюртмаларнинг доимо сифатли бўлиши ҳамда ўз муддатларида бажарилиши қатъий назоратда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Мустақиллик мевалари

СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

ЮРТИМИЗДА САЙЁҲЛИК ФИРМАЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ҲАМ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ШУНИСИ АҲАМИЯТГА МОЛИККИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ХУСУСАН ПОЙТАХТИМИЗДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШДАГИ ВА БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА БЎЛГАН УЧ ВА ТЎРТ ЮЛДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА МАЖМУАЛАРИ ФАҚАТ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАД РОСТЛАЙ БОШЛАДИ.

Шунинг учун ҳам бу ўзига хос меъморий ечимга эга, замонавийлик ва миллийликни ўзида мужассам этган объектлар гуруҳу ва ифтихор билан Истиклол мевалари, мустақиллик иншоотлари дея аталади. Қолаверса, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда барпо этилган «Интерконтиненталь-Тошкент», «Ле-Меридиан Тошкент палас», «Дедеман Силк Род», «Радиссон САС-Тошкент», «Марказий» каби тўрт юлдузли меҳмонхона мажмуалари мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмаси шаклланишида энг муҳим босқич бўлиб хизмат қилмоқда десак бўлмага бўлмайди.

Бу борада «Le Grande Plaza» меҳмонхонасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бу ерда сайёҳларга, юртимизда вақтинча ёки узок муддатли бизнес ёхуд дипломатик миссия билан ташриф буюрганларга барча шарт-шароитлар яратилиб, хизмат кўрсатиш даражаси Фарб давлатлари андозаларига тенглаштирилган. Меҳмонхонанинг юқори тоифаларга эга мутахассислари мижозлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг истак-хоҳишларини қаноатлантиришга ҳар доим шай бўлиб, бир неча ресторан ва қаҳвахоналар, шунингдек кутубхона, сауна, спорт заллари, даволаш ва алоҳида дам олиш хоналари хизматидан фойдаланишни тавсия этадилар. Бундан ташқари, бу ерда меҳмонлар тақлифларидан келиб чиққан ҳолда меҳмонлар томонидан кўплаб қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилиши ҳам яхши аънаъага айланиб қолган. Деярли ҳар бир байрам ва муҳим саналарга бағишлаб театрлаштирилган кечалар уюштирилади.

— Сайёҳлик биринчи навбатда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланади ва жаҳон бозорида нефть ва автомобиль саноатидан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда бу тармоқни ривожлантиришга сўнгги йилларда катта аҳамият берилаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, фикримиз далили сифатида сайёҳлик фаолияти билан шуғулланадиган бизнес тузилмалари кенг ривожланиб бораётганини, бу борада жаҳон меъёрларига мос бўлган янгидан-янги меҳмонхоналар барпо этилиб, фойдаланишга туширилаётганини айтиш мумкин, — дейди биз билан суҳбатда меҳмонхона бош директори Аҳмад Шах. — Ўзбекистонда туризм ривожини учун яратилаётган қатта имкониятлар индонезиялик ишбилармонларда ҳам қатта қизиқиш уйғотмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, бугунги кунда мамлакатимизга кўплай индонезиялик меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, ҳар бир давлатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам меҳмонхоналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарган, яъни бугунги кун меҳмонхона мажмуаси фақатгина бир-икки кун тунаб кетадиган жой эмас, балки ҳар бир инсон учун зарур бўлган барча шарт-шароитларнинг энг юқори даражадаги қўрилиши муҳассамлашган максадир ва унинг хизматидан нафақат сайёҳлар, балки маҳаллий фуқаролар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу фикр меҳмонхона раҳбари томонидан деярли ҳар бир анжуманда алоҳида қайд этиб ўтилган. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳам шу мавзуга яна бир бор эътибор қаратиб ўтилди.

— Уйлаймизки, меҳмонхонамиз ҳар томонлама халқаро талабларга жавоб беради, — хусусан таъкидлаб ўтди жаноб Аҳмад Шах. — Шунга қарамадан, биз хизмат турларини янада кўпайтиришга, бу борада биринчи навбатда сифат кўрсаткичларига эътибор беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро фақат шу тариқа, шубҳасиз, нафақат Тошкентда, балки бутун республикадаги меҳмонхоналар ўртасидаги рақобат бозорида ўз мавқеимизга эга бўла оламиз. Меҳмонларимизга тақдим этилаётган янги лойиҳа тўй ва бошқа тантанали маросимларни ихчам, арзон ва шу билан бирга ўз номига яраша — тантанавор равишда ташкил этишга йўналтирилган. Ният қиламизки, бу лойиҳамиз маҳаллий ёшларга ҳам маъқул келадди.

Мазкур тадбирда қайси маросимга қандай дастурхон безаш намуналари, шунингдек пойтахтимизда фаолият юритаётган модарлар уйлари томонидан тавсия этилаётган бежирим тўй либослари ҳамда моҳир саратрошларнинг янги моделдаги соч турмаклаш услублари намойиш этилди.

Хулоса ўрнида «Меҳмон — отангдек улуг» мақоли бугунги кунда меҳмонхоналарга ҳам бевосита тааллуқли бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятида ўз аксини топган дейишни ўринли деб билдик ва уйлаймизки, бу фикримиз ортиқча изоҳ талаб этмайди.

Шахно ҲОШИМОВА



Болалар спортини

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ЎТТАН ВАҚТ МОБАЙНИДА БУ БОРАДА МУАЙЯН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ ДЕБ ФАХР БИЛАН АЙТА ОЛАМИЗ.

«...Кишилиқ тарихи пайдо бўлганидан буён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш бахти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг муътабар орзуи, астойдил интилим асосий мақсади—соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган, — дея таъкидлагандилар Юртбошимиз. — Яна бир қарра таъкидлаб айтман, дунё бор экан, одамзод яшар экан, қандай тизим, қандай давлат бўлишидан қайти назар, ҳар бир миллат шунга интилади. Инсон оила қургандан кейин Аллоҳ таолодан фарзанд сўрайди ва мана шу болам соғ-омон ўссин, ҳар томонлама баркамол, етук инсон бўлсин, деб орзу-хавас қилади, керак бўлса, бутун ҳаётини зурриётига бағишлайди».

Дарҳақиқат, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади, шунинг учун ҳам республикамизда оналик ва болаликни ихтимомий муҳофаза қилиш, миллат генофондини соғломлаштириш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ифтихор

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларни, оналарни асраш бу — фарзандларни, наслини, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир. Президентимизнинг муҳим аҳамиятга молик ушбу фикрларидан ҳам кўриниб турибдики она ва бола, умуман келажақ авлод саломатлигини таъминлаш, бу масалага ҳар қачонгидан ҳам жиддий қайғуриш лозимлиги, бугунги куннинг муҳим талабларидандир.

Кейинги йилларда, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб вояга етказиш борасида юртимизда қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Анъанага айланган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари шулар жумласидандир. Бу спорт мусобақалари ёш авлод тарбиясида, уларнинг соғлом тарзда камол топишида, қалбларида келажаққа бўлган ишончининг мустаҳкамлашишида муҳим роль ўйнайди.

Юртбошимиз «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деган эдилар: «Бу мусобақалар юртимизда Истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида

амалга оширилаётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир. Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун Истиқлолимизнинг энг улуг ютуқларидан биридир, десак, асло муболаға бўлмайди». Бинобарин, бундай мусобақаларнинг қўллаб-ўқатилиши яна шуниси билан ҳам қадрлики, авлодлар қал-

дай ибратли ишлар давом эттирилади. Зеро, ёш авлод тарбиясига бўлган чуқур эътибор, мустақиллигимиз истиқболнинг муҳим омилдир.

Дарвоқе, бундан 13 йил илгари, давлатимизнинг илк муқофоти — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилган эди. Шу пайтгача бўлган фурсат мобайнида биргина педагог ходимларнинг 472 нафари ушбу юксак муқофот билан тақдирланди. Бу эса,

кељағимиз бўлган ёшларни камол топтиришда, уларнинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишида масъул бўлган устозлар ҳурматинон жойига қўйиш ва уларнинг бу муҳим вазифани янада масъуллик билан адо этишларидан далолат беради.

Чунки, кўксиди I даражали ёки II даражали «Соғлом авлод учун» ордени яқираб турган ватандошимиз мана шундай юксак муқофотга лойиқ деб топиладиган дуррурга тўлади, соғлом авлод тарбияси учун чинакамига бел боғлайди.

Мустақилликнинг заррин нурларидан баҳраманд бўлиб тараққий этаётган она заминимизда, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида ҳам аввало соғлом авлод камолоти, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши ётади.

Шундай экан, ҳар бир оқил инсон қалбиди Ватанининг бугунги ва эртаси, фарзандларнинг келажағи учун қайғуриш ҳисси бўлиши лозим, шундангина барчамизга порлоқ келажақ насиб этади.

Раимкул СУЯРОВ

Ўқув масканларида

БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

«ҲЕЧ НАРСА МАМЛАКАТНИ СПОРТЧАЛИК ОЛАМГА МАШҲУР ҚИЛОЛМАЙДИ». ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УШБУ СЎЗЛАРИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ЮРТИМИЗДА СПОРТ ИШЛАРИГА ЖУДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЎРИНЛИ. ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА, МАҲАЛЛАЛАРДА ТУРЛИ СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАЯТТИ. УЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЗАМОНАВИЙ СПОРТ АНЖОМЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН.

Ўрта махсус касб-хунар коллежларида ҳам спортни ривожлантириш, ўқувчилар соғлигини таъминлаш бўйича қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти. Шундай билим юртларидан бири 1-педагогика касб-хунар коллежидир. Коллежда баскетбол, волейбол, стол тенниси, футбол, шахмат, шашка, енгил атлетика, кўл тўпи бўйича қатор тўғарақлар фаолият кўрсатади.

Ушбу ўқув юртида ажойиб бир анъана мавжуд. Бу ерда ҳар йили турли спорт мусобақалари, тадбирлар, очик дарслар ўтказиб келинади. Ҳар йили баҳор фаслида 1-2-босқич ўқувчилари ўртасида «Мушқали гимнастика» бўйича коллеж биринчилиги ўтказилади. Бундан ташқари билим юртида спорт байрами ҳам мунтазам ўтказиш йўлга қўйилган.

Коллежда спорт зали, ёзги спорт майдончаси, мини футбол майдони, югуриш йўлакчаси ва мукаммал спорт анжомлари ўқувчилар ихтиёрида. Жисмоний тарбия бўйича кафедра мудири Ўткиржон Талабоев, фан уюшмаси раиси Фатхулла Миррахмедов, ўқитувчилар Саидқабар Шокиров, Алижон Турсунов, Жамшид Собиров, Қадамбой Авазимбетовлар ўқувчиларнинг спорт бўйича билимларини бойитиб келмоқдалар.

Бугунги кунда юртимизда аёллар спортига катта эътибор қаратилляпти. Шундан келиб чиққан ҳолда коллежда «Спорт — саломатлик гарови» шiori остида ўқувчи-қизлар спартакиадада доирасида кросс, шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, стол тенниси бўйича қизқарлик спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб келинади.

Шунингдек, ўқувчилар «Баркамол авлод» спорт ўйинларида ки-



ритилган спорт турлари билан ҳам мунтазам равишда шугулланиб келмоқдалар. Маълумки, «Баркамол авлод» спорт мусобақалари дастурига баскетбол, волейбол, кўл тўпи, кураш, шахмат, шашка, стол тенниси ва яна бир нечта спорт турлари киритилган. Мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаётган коллеж ўқувчилари соғлиғини ўринларини эгаллаб, билим юртининг номини оқлаб келмоқдалар.

— Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, коллежимиз ўқувчилари

35 дан зиёд турли тўғарақларда фаол қатнашиб ўз саломатлигини, билим салоҳиятини ошириб келмоқдалар, — дейди биз билан суҳбатда 1-педагогика коллежидиректори Минаввар Исмоилова. — Бу албатта ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини самарали ва фойдали ташкил этишга ва шу билан бирга дарслардан олинган билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умид МАҲКАМОВА
СУРАТЛАРДА: коллеж спорт ҳаётидан лавҳалар

Туманларда

БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

— Режага асосан туманимиздаги 36 та мактабда бугун йил давомида «Очик эшиklar кучи» спорт байрами ўтказилди, — дейди суҳбатдошимиз, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман вакили, «Белтепа» спорт мажмуи директори Баҳодир Ибрагимов. — Мисол учун, 59-ўрта мактабда қувноқ стартлар, яъни мактабларо биринчилигининг финал босқичи ўтказилди. «Истиқлол» спорт мажмуасида ўтказилган шахар турнирида эса ушбу мусобақа бўйича ёшларимиз фахрли тўртинчи ўринни эгалладилар. «Умид» спорт мажмуасида хотин-қизлар спартакиадасининг шахар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманимиз хотин-қизлари фахрли тўртинчи ўринни баъд этдилар. Мактабга таълим муассасалари раҳбарлари орасида хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилиб, унда иккинчи ўринни эгалладилар. Шу билан бирга мактаблар, олий ўқув юртлари, ташкилот ва муассасалар атрофини ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкалмзорлаштириш, мавсумий спорт майдонларини қуриш ишлари ҳам мунтазам олиб боришмоқда. 98-мактаб-интернатда болалар ўртасида спортнинг теннис, стол тенниси, шахмат-шашка ва қувноқ стартлар мусобақалари ҳам юқори савияда ўтказилди. Туман халқ таълими бўлимининг иш режасига киритилган «Умид ниҳоллари», маҳаллаларда турли спорт мусобақалари, шунингдек «Отам, онам ва мен» оилавий спорт мусобақалари, 324-мактаб ва 243-болалар боғчасида спортнинг шахмат, футбол, кураш турлари бўйича ва қувноқ стартлар мусобақалари бўлиб ўтди. Туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Футболимиз келажағи» спорт мусобақаларида эса 4000 га яқин болалар иштирок этди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ўқазилаётган спорт мусобақасига тумандаги катта-кичик ёшларни бирдек жалб қилиш ишларига бутун эътибор қаратилган. Баскетбол, волейбол, стол тенниси, мини футбол турлари бўйича мунтазам ўтказилиб келинаётган спорт мусобақаларида 35.000 нафардан ортиқ ўғил ва қизлар қатнашди. Ҳар бир мусобақа ғолиби туман хотин-қизлар кўмитаси, шахар ва туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ шахар ва туман бўлимлари, туман «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Сихат-саломатлик йили» иш режасига асосан туман ҳудудидagi мактаблар спорт залларининг ҳолати ва мавжуд спорт секциялари иш фаолияти ўрганиб чиқилди, лозим бўлганлари таъмирдан чиқарилиб, спорт жиҳозлари билан таъминланди. Маҳалла ҳудудларида 10 та спорт майдончаси барпо этилди.

Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган мураббийлар аттестациядан ўтказилди. Аттестациядан ўта олмаган спорт мураббийлари қўшимча ўқув курсларига жалб қилинди.

Эътиборлиси эса туманда замонавий «Бел-тепа» спорт мажмуаси очилди. Ҳозирги кунда ушбу спорт мажмуасида 8 та спорт тўғарақлари фаолият кўрсатади.

Мана, эзгу ишларимизнинг узвий давоми сифатида Ҳомийлар ва шифокорлар йилга ҳам илк қадамларни қўйдик. Мақсадимиз жорий йилда ёш авлодга мукаммал билим, жисмоний соғломлик улаштиш билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб барчани спортга ошно этишга ҳисса қўлишдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИДА
ЖАҲОНДАГИ ҚАТОР МАМЛАКАТЛАРДА ПАРРАНДА ГРИППИ БИЛАН БОГЛИК МУРАККАБ ЭПИЗООТИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ ЮЗАГА КЕЛГАН
ТАЪКИДЛАНМОҚДА. БУНИНГ ОҚИБАТИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА САЛЕБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ, ҲАТТО ЎЛИМГА САБАБ БЎЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР РЎЙ БЕРАЁТИР.

Мамлакатимизда айни пайтгача парранда гриппи билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа тегишли ташкилотлар қатори ички ишлар идоралари томонидан ҳам бу касаллик вирусининг юртимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ва-

зирининг ўринбосари, полковник Абдулла ҚўЛДОШЕВ бу борада қилинаётган ишлар тўғрисида ЎЗА мухбирига қўйдагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг парранда гриппининг мамлакатимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар доирасида, шунингдек, эпизоотик ва эпидемик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ички ишлар идоралари томонидан қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, чегара ҳудудларидаги мавжуд барча карантин, йўл-патруль хизмати масканлари, блок ва чегара постларида ходимларимиз хизмати кучайтирилган тартибда ташкил этилди.

Чегара ҳудудлари орқали парранда, унинг гўшти, туҳуми ва бошқа махсулотларининг олиб ўтилиши вақтинча тўхтатилди. Айни вақтда божхона, ветеринария ва давлат санитария эпидемиология нazorати идоралари

билан ҳамкорликда чегара ҳудудларидаги барча айланма йўллар қатъий назорат остига олинди. Бу борада ташкил этилган маскан ва постларда ҳамда чегара ҳудудларидаги ҳаракатдаги гуруҳларга ички ишлар идоралари шахсий таркиби мунтазам хизматга жалб этилган.

Чегара ҳудудларида хизмат ўтаётган ходимларимиз томонидан бошқа хизматлар билан ҳамкорликда айни кунгача парранда, парранда гўшти, туҳуми ва бошқа махсулотлари ортлдан беш юзга яқин транспорт воситаси текширувдан ўтказилди.

Айни вақтда, ҳудудий ветеринария ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда барча парранда бозорларида, шунингдек, аҳоли яшаш пунктларида фуқаролар томонидан ветеринария-санитария қоидаларига амал қилиниши борасида ўзaro ҳамкорликда тадбирлар ўтказилаётир. Хусусан, юртимиздаги барча савдо шохобчаларида тирик паррандаларни сотиш, сўйиш ҳамда уларнинг махсулотлари билан савдо-сотиқ қилиш тартиб-

қоидаларига риоя этилиши устидан назорат янада кучайтирилди.

Ҳамкорликда ўтказилган чора-тадбирлар давомида бир ярим мингга яқин фуқаро томонидан сотилаётган истеъмолга яроқсиз парранда, парранда гўшти, туҳум ва бошқа шунга ўхшаш махсулотлар ўрнатилган тартибда йўқ қилинди. Ветеринария-санитария тартиб-қоидаларини бузган 139 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, уларга тегишли миқдорда жарима солинди.

Мамлакатимиз ҳудудидан учиб ўтувчи ёввойи қўшлар орқали парранда гриппи касаллиғи кириб келиши ва тарқалиши эҳтимолининг олдини олиш мақсадида Табиати муҳофаз қилиш давлат қўмитасининг жойлардаги ҳудудий идоралари томонидан тузилган 71 ов бригадаси билан ҳамкорликда 140 дан зиёд рейд ўтказилди.

Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади.

ЎЗА мухбири Бехзод НОРБОЕВ
ёзиб олди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Агар она янги туғилган болага сут беришда узрли бўлмаса, ўзи сут бергани маъқул. Чунки онанинг суги бошқаларнинг сугига нисбатан ҳазмлироқ бўлади. Сут берганда ҳам ҳар икки кўкракдан сут бериш лозим. Биринчи нон ўрнида бўлса, бири сув ўрнида бўлади. Агар она сут беришда узрли бўлса, доя қабул қилмоқ керак. Аммо ҳунук, тентак ва айбли доялардан сақланмоқ керак, яъни сут берувчи доя ҳар қандай нуқсонлардан ҳоли бўлсин. Чунки сут болага катта таъсир кўрсатади.

Болани эмизиш мuddати икки йил бўлади. Аммо йигирма бир ойни ҳам жоиз топганлар. Болани етти ёшгача эркин қўйилади. Етти ёшдан эса илму одоб ва олий фанларни ўрганишга тарғиб қилмоқ лозим.

Болаларни ёмон, билимсиз кишилар билан ҳамсухбат бўлишларига йўл қўймаслик даркор. Чунки улар нимани кўрсалар ва кимга эргашсалар, ўша нарсаларга тезда қўниқиб қолишади. Агар шу ҳол рўй берса, ундан сўнг Луқмон ва Афлотуннинг мингта панду-насихати билан ҳам уларнинг кўнглидан ўрганган нарсаларни чиқариб бўлмайди.

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ота-онага итоат этиш билан бирга уларга чин дилдан ишониш ва барча соҳада сирдош деб фахмлаш ҳам лозим. Чунки болаларга нисбатан ота-она кўпни кўрган, ақл ва тажриба ҳосил қилган ва яхши ёмон йўлни билган бўлади. Шунинг учун ота-она болаларга тўғри йўлни кўрсатиб, насихат ва маслаҳатлар бериши, болалар эса унга амал қилишлари керак.

Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, улардан ўзини ақли ва ишбилармон деб ҳисоблаган болалар кўпгина қийинчиликлар ва ҳар хил офатларга дучор бўладилар. Чунки ишонсизлик одамда алдов ва ёлғончиликни туғдиради, ёлғончилик эса барча қаҳҳиликни юзага чиқаради. Бировга ёлғон гапириш энг буюк айб бўлиши билан бирга ота-онани алдаш энг ярамас одатдир. Ота-онани гафлатда қолдириш, ҳар бир ишнинг ҳақиқатидан беҳабарлик ота-она учун зўр уқубат ва ҳақоратдир. Болалар қийин аҳвол ва оғир қулфатга дучор бўлганларида ўз ота-оналарини бундан оғох қилсалар, ота-оналар ўзининг ақли, тажрибаси билан бу қийин ҳолатдан чиқиб йўлни кўрсатиб берадилар.

Ҳаётда хоҳ кичик бўлсин, хоҳ катта бўлсин, бирор болага қараб: «Буни ота-онангдан яшир, уларга айтма» деса, у дўст эмас, балки душмандир. Бундай одамни кўрган бола душман сифатида ундан қочиб кетишни ўйлаши керак. Сўзининг қисқаси шуки, ҳар бир фарзанд ота-онасини ўз ахлоқидан, қилаётган ишидан воқиф қилиш билан бирга уларнинг панду насихатларига қулоқ солиши ва амал қилиши зарур. Уларнинг яхши ишларидан ибрат олиши, тажрибаларидан ҳаётда фойдаланиши керак.

Ҳар бир бола бирор тасодиф туфайли хатога йўл қўйса, дарҳол бу хатони тўғрилашга киришиши, бутун куч-қудратини ишга солиб, ўзини оқлашга, иккинчи марта бундай ишга қўл урмаслик учун жон-жаҳди билан курашиши лозим.

Фарзанд ота-онанинг бахти ва қувончи бўлишига қарамай, агар у ота-она розилигидан ташқари иш тутса, ундай бераҳм фарзанддан ақли бегона яхшидир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Отага итоат — Оллоҳга итоат қилишдир.

ҲАДИС

Фарзанд эрур давлат боғига ниҳол, Ундан қулиб боқар бахт ила икбол. Колдирса агар у яхши деган ном, Эл ичра обрўйи ошар батамом. Фарзанд бўлса ҳамки хуршиди тобон, Безори бўлса у, юз бур ўша он. Одамлик йўлидан юрса гар узок, Мехру муҳаббатга лойикмас мутлок. Хато йўлдан юриб, қилмай орият, Авлод-аждодинга келтирар уят. Ноқобил фарзанддан ота қалби зор, Ундан бегоналар яхшидир зинҳор!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Болалар ҳаётда ўсиб улғаяр эканлар, уларнинг тоъелари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахт-саодатли бўлади ёки гумроҳлик йўлига кириб, бахтсиз бўлиб қолади.

Болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? Агар бола ота-онанинг галига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдда тутса, бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.

Бола қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз ота-онанинг беғараз, чин кўнглидан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини қулоққа олмаса, бошқаларнинг панду насихатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларига ўзларини айбдор, деб ҳисобламай, ота-оналарига тўхмат тошларини отишади, бахтсизликларининг сабабчиси қилиб уларни кўрсатишади.

Болалар! Сиз ҳаётда кўриб турганингиздек, илми ва маърифатли кишилар ҳаммаса иззат ва иқромда, билъакс, пули кўп, манман деган бадавлат кишилар эса обрў жиҳатидан уларнинг олдида пастдир. Бундан кўриниб турибдики, илм кишини эл олдида азизу муқаррам қилар экан.

Мустафо ҲОМИЙПОШО

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

Сўранг, жавоб берамиз

МУЗ УСТИДАГИ “БИЗНЕС”

АҚШда Миллий хоккей лигаси хоккейчилари миллионлаб доллар пул ишлашларини эшитганмиз. Улар орасида Россиядан бориб, энг катта бойлик ортирган Павел Буре ҳақида ҳам кўп ўқиганмиз. Лекин спортнинг бошқа қишқи турлари билан шуғулланувчилар даромади ҳақида нима дейиш мумкин? Улар ҳам катта пулга мусобақа қилишадики?

Шомансур Илёсов, Тошкент вилояти, Кибрай тумани.

Албатта тоғ чанғиси, биатлон ва бошқа қор ва музда сирганиш асосидаги мусобақаларда қатнашувчи спортчилар даромадини машхур хоккейчиларники билан солиштириб бўлмайди. Лекин шу соҳалар мутахассисларининг фикрича, фигурали учуш, чанги пойғалари, биатлон бўйича жаҳонга танилган спортчилар ҳам миллионерга айланган ҳоллар кам эмас. Фигурали учушга ихтисослашган спортчилар улар орасида энг бойлари ҳисобланади.

Муз устида яқка учушда жаҳон чемпионлари 45 минг доллардан, жуфтлик бўлиб муз устида учуш ва муз устидаги рақслар бўйича ғолиблар икки кишига 67 минг доллардан совринга эга бўлишади.

Чангилардаги мусобақаларда трассаларнинг мураккаблиги ва у ёки бу босқичнинг машхурлигига қараб совринларнинг турли миқдори кўзда тутилади. Жумладан, Норвегия терма жамоаси етакчи спортчиси Марит Бьорген ўтган мавсум давомида тахминан 200 минг доллар “жамғариш”га эришган.

Россиялик биатлончи Ольга Пилева чангида 150 минг долларни кўлга киритган. Фин кизи Янне Ахонен трамплиндан сакраш бўйича беллашувларда 300 минг долларлик бойлик ортиришга муваффақ бўлган.

АСАЛ СИФАТИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Асал энг шифобахш табиат мўъжизаларидан ҳисобланади. Лекин бозорларда асл асални танлаш жуда қийин – асалчилар шунчалик кўп ҳийла ишлатишадики, шакар қиёмини асал ўрнида олиб кетиш ҳеч гапмас. Шу масалада ёрдам беролмайсизларми?

Зухра Ашурматова, Чилонзор тумани.

Асаларичилик билан кўп йиллар мобайнида шахсан шуғулланган кекса боғбон ва асаларичи Шухратхон Азимбоевнинг айтишича, бунинг икки хил усули бор экан. Лекин улар ҳам фақат тахмин қилиш имконини беради.

Биринчиси – асални қошиққа олиб, банкагами, пиёла ёки косагами – бирон идишга қуюсиз. Қошиқни баландроқ тутинг. Агар асал ингичка, бир текис, (худди станокдан чиқётган газмолдай) ипга ўхшаб узлуksиз қуйилса – махсулот сифатига ишонса бўлади. Бошқача ҳолатни кузатсангиз, демак, шубҳаланишга асос бор.

Иккинчи усул – “М” ёки “2М” деб ёзилган оддий қора қаламни оласиз. Уни бир томчи асалга шунчаки ботирасиз. Кўз ўнгингизда графиндан асал томчиси қорайиб кетмаса ёки қаламнинг учи теккан жойгина қорайса – асал сифатидан унча-мунча қоникса бўлади. Акси бўлса – бу асални тоза деб бўлмайди...

ҚАЙСИ МУРАББОЛАР ШИФОБАХШ?

Куз, қиш ва баҳор ойларида одам кўп шамоллайди. Шунда баъзибир мурабболарни шифобахш бўлади дейишади. Тумов ва бошқа шамоллаш касалликларидан кутулишда қайси мевалар мурабболари ҳақиқатан ҳам даво бўлиши мумкин?

Хожарой Сирожиiddинова, Бектемир тумани.

Халқ табobatiда ва расмий тиббиётда ҳам турли хил мевалар мурабболари шамоллаш билан боғлиқ хасталикларда даво бўлиши эътироф этилади. Чунончи, наъматак мураббоси, малина, брусника, чаканда (облепиха) ва клюква мурабболари энг самарали даво воситалари ҳисобланади.

Уларда С витамини кўп бўлади, қувват беради ва терни ҳайдайди. Смородина ва черника мевалар мурабболари ҳам фойдали. Лекин қулундай, олхўри, олча ва ўрик мурабболари ва бошқа бир қатор мевалар мурабболари ёқимли ва лаззатли ширинликлар сирасига кирази, холос.

ТУЗАТИШ

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАД- БИРКОР ЖАНОБЛАР!

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ томонидан газетанинг 2006 йил 1 мартдаги № 41 (10.598) сонида берилган эълондаги бошланғич баҳоси 82944 сўм деган матн бошланғич баҳоси 82 944 000 сўм деб ўқилсин.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93

Кўргазмалар

РАНГТАСВИРДА АКС ЭТГАН ЖОЗИБА


**ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНING
КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА РАНГТАСВИРЧИ РАССОМ АНВАР БАХТЕЕВNING
ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.**

Ўз ижодини болалик чоғларидан бошла-

ган Анвар Бахтеев П.Беньков номидаги Республика бадий билим юртида (ҳозирги Республика рас-сомлик коллежи) тахсил олди. Шу йиллари таниқли рас-сомлар ижодини син-чиклаб ўрганиб, ўз устида тинмай ишлаб бир қатор рангтасвир асарлар ярат-ди. Шундан сўнг Тошкент театр ва рас-сомчилик институтининг китоб гра-фикаси факультети-га ўқишга кириб уни муваф-фақиятли тамомлади. 1973 йилдан бошлаб Анвар Бахтеев Республика



ва Халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иш-тирокчисидир. 1980 йил-да у Ўзбекистон Рас-сом-лари уюшмасига аъзо бўлди. Рассомнинг ижо-дий йўли — бу абстракт ва сюрреалистик йўна-лишдаги асарларни яра-тишдан иборат. Чунки у ўз асарларида бу компо-зицияларда оламни абсо-лют равишда қўришга, унга бўлган муносабати ва моддий табиат ор-тидаги тафаккурларини на-моён қилишга интилади. Анвар Бахтеевнинг асар-лари нафақат мамлакатимиз музейлари, бал-



ки хорижий давлатлардаги (Англия, АҚШ, Польша, Бельгия, Германия, Тунис, Ливан, Иордания, Малайзия, Жанубий Корея, Франция, Испания ва бошқа)лар хусусий тўплам ва галереялардан муносиб ўрин ол-ган.

Кўргазма экспозициясида рас-сомнинг 200

га яқин рангтасвир асарлари санъат их-лос-мандларига намоиш этилмоқда. Кўргазма ўз ишини 10 мартга қадар давом эттиради.

**Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: рас-сом Анвар Бахтеев-нинг шахсий кўргазмасидан лавҳалар.
Владимир Гранкин олган суратлар**

Футбол

Ушбу гуруҳнинг Бангладеш — Гонконг терма жамоалари ўр-тасидаги учрашувида эса 1:0 ҳисобида меҳмонларнинг кўли баланд келди.

Осиё чемпионатида саралаш турнирининг Ўзбекистон — Катар терма жамоалари баҳси 15 ноябрда бўлиб ўтади.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

**БОЛАЛАР ФУТБОЛИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УЛАР
ОРАСИДАН ҲАҚИҚИЙ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ ТАНЛАБ
ОЛИШ МАҚСАДИДА ЎТГАН ЙИЛИ ПОЙТАХТИМИЗДА
ЎСМИЛАР ЎРТАСИДА “ФУТБОЛ ФЕСТИВАЛИ” ТУРНИРИ
ЎТКАЗИЛГАНДИ.**

Марказий Осиё ҳамда Эрондан ташриф буюрган ўсмирлар жа-моалари ўртасидаги беллашувлар шиддатли курашларга бой ҳамда қизиқарли кечганди.

Жорий йилда ҳам Осиё футбол конфедерацияси томонидан ушбу турнир ўтказиладиган бўлди. Шуниси қизиқки, май ойида эмас, аксинча 24 мартдан бошланадиган “Футбол фестивали” турнирига Эрон мезбонлик қилади. 1992 йилда тугилган ўсмир-лар жамоалари ўртасида ташкиллаштирилаётган ушбу турнир мам-лакатимиз вакиллари муваффақият келтиради деб умид қила-миз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

МИРЖАЛОЛНИНГ ЎРНИ БИДИНДИ

КЕЧА

**ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ
ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ҚАТАР—
ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВ
МУРОСАСИЗ, ШИДДАТЛИ КУРАШЛАРГА БОЙ КЕЧГАН
БЎЛСАДА, НЕПОМНЯШИЙ ШОГИРДЛАРИ УЧУН ОМАДСИЗ
ЯКУНЛАНДИ.**

Ўзбекистонлик футболчилар тезкорлик, хавфли ҳужумлар уюш-тириш борасида майдон эгалари билан тенгма-тенг, ҳатто би-ринчи бўлимда устунлик қилган бўлсаларда, очигини айтиш ке-рак, тўпни жамоадолларига аниқ узатиб, ҳужумларни ташкил эта оладиган Миржалол Қосимовнинг йўқлиги ёки Сервер Же-паровнинг майдонга туша олмаганлиги шундоққина билиниб қолди.

Биринчи гол 20-дақиқада киритилди. Кошелев томонидан ра-қиб жарима майдончасига узатилган тўп Билал Ражабга теккан ҳолда мезбонлар дарвозасидан жой олди. Сўнгра мезбонлар-дан Одил Лаами Мох ва Носир Али томонидан Ўзбекистонлик-лар дарвозасига киритилган икки тўп майдон эгалари 2:1 ҳисо-бидеги галабани туҳфа этди.

Мунажжим башорати

ВОҚЕАЛАРГА БОЙ, МАЗМУНЛИ КҮН

3 МАРТ, ЖУМА

**МУНАЖЖИМЛАРИМИЗДАН СВЕТА
ДЕНЬ ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУНГИ
КҮН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА БОЙ,
МУРАҚАБ, ТОЛИҚТИРАДИГАН,
АММО СЕРМАЗМУН, САМАРАЛИ ВА
КЎП НАРСАНИ ҲАЛ ЭТУВЧИ КҮН
ЭКАН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ У
ҲАРАКАТЧАНЛИК ВА
МУЛОҚОТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШНИ
ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

Фаолиятингизнинг бундан кейинги йўналишларини ёки режаларингиз амал-га ошишига ёрдам берадиган муомала до-ирангизни аниқлаб олишингиз керак бўлади. Ишда ва уйда мунозара-келиш-

мовчиликлар юз бериши мумкин. Лекин айнан шулар оиладаги ёки жамоадаги ҳақиқий мавқеингизни, атрофингиздаги-ларнинг ўзингиз ҳақингиздаги фикрлари ва баҳоларини билиб олишингиз, ўз та-лант-қобилиятингизни тўла ишга солиш йўллари билгилангизга ёрдам бера-ди.

Ўзингизни жамоага қарши қўйманг, юзага келган мураккабликлардан имко-ни борича кўпроқ фойдаланишга ҳара-кат қилинг. Зинҳор эшигингизни ёпиб олманг, мулоқотлардан қочманг, акс ҳолда ўзингизни кўп нарсадан махрум этган бўласиз.

Бугун ҳар қандай ташаббус ва йўқол-

ган нарсаларни излашда омад ёр бўла-ди. Олган ахборотлар ҳам хайрли бўли-ши кутилади. Сартарошхонага ташриф буюриш ва соч олдириш учун қулай кун-лардан бири. Кийим-кечак, санъат асар-ларини харид қилиш хайрли бўлади. Мунажжимларимиз Лидия Неведомская ва С. Ильичёв шуларни ваъда қилиша-ди.

Бугун оч юриш ман этилади. Бугун нимани кўнглингиз тортса — ўшани иста-ганча миқдорда ейишингиз мумкин. Зеро, ошқозонга тушган барча овқат-лар ҳазм бўлиб, танангизга эт бўлади. Яна бир нарс аёдингизда бўлсин: ни-мани кўнглингиз тортмаса — у бугун ҳам, кейин ҳам сиз учун зарарлидир.

Кийинишда қизил, юлғун ва сариқ ли-босларга устуворлик беринг. Кўк, яшил ва уларга яқин барча ранглардан узоқроқ бўлинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ! «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO'VA DENQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**Биржа савдоларига «ESKI JO'VA DENQON BOZORI» очик акциядорлик жамияти худудидаги
«ТИМ – 2» савдо мажмуасида
жойлашган, қуйидаги савдо дўконлари қўйилди:**

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 13 (ўн учта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 24 828 423,62 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 7 (еттита) савдо дўкон-лари шийтони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 28 139 767,86 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 252 703,25 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 56 950 980,37 сўмдан;
- умумий (савдо) майдони 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бош-ланғич баҳоси — 57 820 284,22 сўм.
- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийтони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 36 971 425,82 сўмдан;
- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 33 659 497,58 сўмдан.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

**Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан
қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 506

**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

**Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4147 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган**

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмашонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.